



Кўсем Султон, Моҳипайкар исми билан ҳам машхур (туркчаси, *Mâh-Peyker Kösem*; тахминан 1590 — 2 сентябрь 1651), Усманий Султон Ахмаднинг иккинчи ё учинчи

[\[1\]](#)

канизаги (хасаки унвони бўлган) ва Мурад IV ва Иброҳим I султонларнинг онаси. Фарзандлари султонлик қилган даврларда Валида Султон унвонига эга бўлган ва Усманийлар султонлигида катта таъсирга эга бўлган аёллардан ҳисобланади.

Мехмед IV

султонлиги даврида султоннинг буvisи бўлиб Буюк Валида унвонига эга бўлган. Умумий ҳисоб билан 30 йилга яқин ҳокимиятда бўлган. Унинг таъсири билан султон Аҳмад Мустафо I ҳаётини саклаб қолган ва шу тарзда Усманийлар салтанатида тахтни мерос қилиш тартиби ўзгарган. Турхон султон тарафдорлари тарафидан ўлдирилган.

КЕЛИБ ЧИКИШИ ВА ХАРАМДАГИ ИЛК ЙИЛЛАР

Харамга келишидан олдинги ҳаёти ҳақида ишончли маълумотлар йўқ. Қайси йил таваллуд топгани [2] ҳам номаълум. [3] [4] Бирок баъзи манбаларда унинг юнон [5] ёки босниялик

[6] киз экани ҳақида айtilган. Унинг юнон кизи эканилиги ҳақидаги хабар италиян саёхатчиси Петро делла Валле тарафидан битилган мактубда илк бор зикр қилинган. 1615 25 октябрда Истанбулдан Кўсем султон ҳақида битилган мактубда: “Агар тўғри тушунган бўлсам, у юнон рухонийсининг кизи бўлиб Константинополдан 200 чакирим узокликда жойлашган шаҳар ёки мамлакатдандир”.

[7] Унинг насронийликда бўлган исми маълум эмас

[8] , бироқ кенг тарқалган тахминларга кўра, унинг исми Анастасия бўлган.

[9] Тахминларга кўра, у Босния санжакбейи

[10] тарафидан кул сифатида сотиб олинган ва 15 ёшида у харамга келтирилган.

[11] Унга Моҳипайкар деб исм берилган. Унинг бошқа бир исми Кўсем бўлиб, бу исми унга Аҳмад султон берган.

[12] Бу исмнинг келиб чиқиши ҳақида яна бошқа талқинлар ҳам бор. Усманийлар тилини ўрганган Петро делла Валленинг ёзишича, бу исм сочсиз (туркча, кўса – сочсиз, соколсиз) деган маънони берар, танасида туклар бўлмагани учун шу номни олган бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари Ислом комусига кўра, усмонича *kösem/kösemen*

сўзининг

“пешво, раҳбар, эркин ва озод” деган маънолари ҳам бор экан.

[13]

Аҳмад 13 ёшида султон бўлади. Бу вақтда унинг қанизаклари ҳам фарзандлари ҳам бўлмаган. Бу эса сулола учун хавфли эди. Шунинг учун ҳам анъанага ҳилоф равишда унинг укаси Мустафо тирик қолдирилади. Ёш султоннинг энг биринчи вазифаси ворисларни дунёга келтириш эди. Унга қанизаклар ҳадя қилинди. Кўсем Аҳмад султоннинг ҳарамига келтирилганида султоннинг бошқа бир ҳасаки қанизаги бор эди. Аҳмаднинг катта ўғли Усмонни 1604 йили Махфируз туккан. Лесли Пирсинг ёзишича, Кўсем Султон иккинчи ёки учинчи қанизаги бўлган. [14] Эҳтимол бошида Кўсем харамда катта таъсирга эга бўлмаган, чунки Махфируз Усмондан бошқа яна бир ўғил тугиб берган. Петро делла Валленинг ёзишича, султоннинг икки хотинидан тўртта фарзанди бўлган. [15] Ўзининг акли ва

гўзаллиги туфайли Кўсем Ахмад султоннинг севиқли аёлига айланди.

[\[16\]](#)

1610 йиллар ўртасида Кўсем Султон таъсирида Ахмад Султон Махфируз султонни эски саройга бадарга килади. Венеция элчиси Контарини 1612 йилда Кўсем султоннинг газабини келтирган аёлни султон уриб ташлагани хақида ёзганда Махфирузни назарда тутган. [\[17\]](#) Кўсем султонга жуда кўп фарзанд тугиб берган. Сўнг фарзанд ва невараларини юқори лавозимни эгаллан шахслар никоҳига бериб, катта таъсирга эга бўлган. [\[18\]](#)

МУСТАФО I ВА УСМАН II ХУКМРОНЛИК ДАВРИДА

Ахмад I хукмрон бўлган вақтида Кўсем сиёсий соҳада қандайдир таъсирга эга эмас эди. Унинг ўлимидан сўнг 1617 йил 22 ноябр куни укаси Мустафо I тахтга ўтиради. Усманийлар саройи урф-одатига кўра, Ахмад тахтга чиққан куни у ўлдирилиши керак эди. Бирок Ахмад 13 ёшида тахтга чиққан ва ворис бўладиган фарзандлари ҳам йўқ эди. Демак, у ўладиган бўлса ворислари йўқ бўлгани боис сулола узилиши хавфи бор эди. Бундан ташқари яна иккита омил бор эди: биринчидан у рухий хаста бўлиб исён кўтариш ёки бошқа сиёсий жихатдан хавфсиз эди; иккинчидан Мустафони ўлимдан Кўсем саклаб қолишга ҳаракат қилган. Венеция элчиси Симон Контарини 1612 йилда хабар қилишича, Кўсем Ахмадни Мустафони катл қилмасликка кўндирган. У султонга ўзи ҳам султоннинг тўнғич фарзанди бўлмаса ҳам тақдир уни тахтга чиқишини насиб қилганини айтган. Шунинг учун, усманийлар одатига ҳилоф бўлса ҳам у укасига зарар қилмаслиги кераклигига ишонтиради. Контаринининг сўзига кўра, Кўсем бу билан “Ахмаднинг ўз укасига бўлган марҳаматини кейинроқ ўзининг фарзандлари ва бошқа шахзодаларга ҳам татбиқ қилинишида” эди. [\[19\]](#)

Мустафо хукмрон бўлганидан сўнг Кўсем султонни ўлган султонларнинг қанизалари ва қизлари бадарга қилинадиган эски саройга юборади. [\[20\]](#) Мустафо факат 3 ойгина султон бўлади. 1618 йил 26 феврал куни у тахтдан ағдарилади, бирок катл этилмайди. Ахмад султоннинг 14 ёшлиқ Усмон исмли фарзанди янги султон бўлади. Усмоннинг онаси ёш вафот қилганлигини 1615 йили Петро делла Вале қайд этган экан.

[\[21\]](#)

Усмон ёшлиқ вақтидаёқ Кўсем у билан дўстона муносабат ўрнатишга ҳаракат қилган. Усмон ўғай онасига ҳурмат кўрсатади ва 1619 йили, султон бўлиб турганида эски саройга уни зиёрат қилгани келади. Бирок шундай бўлишига қарамай, Хотин урушига қетишидан олдин Усмон Кўсамнинг катта ўғли Мехмедни катл қилишга буйруқ беради.

Хотин урушида усмонийлар маглуб бўлади. Султон ва яничарлар ўртасида зиддият янада кучаяди. 1622 йили 19 май куни Мустафонинг онаси Халима Султон ва куёви Кора Довуд Поша тарафидан кўтарилган исён натижасида Усмон тахтдан ағдарилади ва сўнг ўлдирилади.

[\[22\]](#)

Усмоннинг харамида бир нечта хасакиси бўлгани билан унинг фарзандлари бўлмаган. Мустафо яна султон бўлади. Халима эса, волида унвонига эга бўлади. Сулишовский бу кунлар хақида қуйидагиларни ёзган эди: “Тўрт кун давом этган исён гўё ҳеч нарса бўлмаганидек бир зумда тўхтади”.

[\[23\]](#)

Кўсем учун бу даврлар жуда огир кунлар эди. Чунки, Довуд Пошонинг Султон Мехмед III кизидан иккита ўғил фарзанди бор эди. Агар Аҳмад султоннинг тирик ўғиллари йўлдан олиб ташланса, келажакда унинг фарзандлари ҳокимиятга келиши мумкинлиги эҳтимоли бор эди. Шунинг учун ҳам Кўсемнинг катта ўғли Муродга суўикасд уюштирилди.

Мустафонинг иккинчи ҳукмронлиги 1623 йилнинг 10 сентябригача давом этди. Бу алгов-далгов давр бўлди: Абза Пошо исён кўтарди ва Усмон II котилларига жазо беришни талаб килди. Халима ва Бош вазир бўлиб олган Кора Довуд Пошо ҳукмронлигига қарши бўлиб, норози бўлганлар жуда кўп эди. 13-июн куни исёнчиларни тинчлантириш учун Валида султон Кора Довуд Пошони ишдан олади, бироқ бу чора ёрдам бермайди ва декабрда исёнга сипохлар ҳам кўшилади. 1623 йили эса Усмон котилларига жазо беришни вазирлар ҳам талаб қила бошлайди. Кора Довуд пошо ва бошка котиллика алоқаси борлар қатл қилинади. Шундай бўлишига қарамай, яъни Халима султоннинг катта қурбонлар эвазига Мустафони тахта саклаб қолишнинг иложиси бўлмайди. 1623 йили май ойида Абза Пошо 40 минг аскардан иборат кўшини билан Анқарани қамал қилади. 1623 йили 30 август ойида Бош вазир этиб Кора Али Пошо сайланади. У эса уламолар ёрдамида Халима Султонни Мустафони тахтдан олишга қўндиради. Халима султон сўнг Мустафони қатл қилмаслик шарти билан рози бўлади. [\[24\]](#) Натижада, 1623 йили сентябр ойида Аҳмад Султон ва Кўсемнинг 11 ёшлик Мурод IV исмлиқ ўғли усмонийлар тахтини эгаллайди. [\[25\]](#) Халима эски саройга қайтади, Мустафо эса Қафасга юборилади ва умрининг охиригача шу ерда қолади. [\[26\]](#)

Умумий ҳисоб билан Кўсем Султон Эски саройда олти йилча яшайди. [\[27\]](#)

ВАЛИДА СУЛТОН

Мурод тахтга чиққанидан сўнг Кўсем давлат тўнтаришини қилиш айби билан айбланиди.

Шайхул ислом олдида окланишга тўғри келди. Янги султон онаси бўлгани учун Кўсем Валида Султон бўлди ва Эски саройдан Тўпкопига кўчиб ўтди. Мурад IV 11 ёшида султон бўлди ва бунинг натижасида 1632 йилгача ҳокимият Кўсем ва унинг тарафдорлари кўлида бўлди. Кўсемнинг ўзи расмий равишда регенат саналиб ва беш йилча ҳукмронлик қилди. [28] Сўнг Мурод улгаяди ва онасини давлат ишларидан четлаштиради. [29] Бирок шундай бўлишига карамай, онасининг акли, тажрибасини кадрлайди ва унга кулок солиб туради. Мурод тез-тез ҳарбий юриш қилиб турарди, ўша вақтларда ҳам бошқарувни онаси назорат қиларди. Мурод барча укаларини қатл қилишга буйруқ берганидаям у Иброҳимнинг ҳаётини саклаб қолади.

[30]

1640 йили фарзанди Мурод вафот қилади. Унинг тахтини эгаллаш учун унинг ўғиллари бўлмагани сабабли тахт усмонийлар сулоласининг ёлғиз вакили Иброҳимга насиб қилади. Иброҳим ҳукмронлигининг илк йилларида ҳокимият яна Кўсем кўлида бўлади. Кейинчалик она ва бола ўртасида муносабатлар кескинлашади. Иброҳимнинг рухий ҳолати ҳамда Усмонийлар салтанатидаги ҳолат салбий тарафга қараб ўзгаради. Иброҳим қанизаклари таъсирига тушиб қолади ва онасини Тўпкопидан бадарга қилади. Орадан бироз вақт ўтгач Иброҳим онаси ва Бош вазир уни тахтдан ағдариш режаларини қилаётганини билиб қолади. Бош вазир қатл қилинади Кўсем эса Искандар Чалабий боғига сургун қилинади. [31]

Иброҳимнинг Венеция билан бошлаган уруши аҳоли ўртасида норозиликни келтириб чиқаради. [32] 1648 йил саройдаги барча гуруҳлар, хусусан Кўсем ҳам султонни тезда тахтдан ағдариш лозимлиги ҳақидаги фикрга келади. [33] 1648 йили 8-август куни султон тахтдан ағдарилади ва бир икки кундан кейин бир фатвога кўра қатл этилади.

[3]

[4]

Улкан салтанат тепасига Кўсемнинг невараси ва қатл этилган султоннинг олти ёшлик Мехмед исмлик ўғли келади. Мехмед тахтга чиқиши билан унинг Турхон исмлик онаси Валида Султон унвонига эга бўлса ҳам унвоннинг барча имтиёзлари Кўсемга насиб қилади. У эса Буюк валида унвонини олади. Ўша вақтда Турхон йигирма ёшдан энди ошган бўлиб, тажрибасиз бўлгани учун уни Кўсем осонгина ҳокимиятдан узоклаштиради.

[35]

Нафсониятлик Турхон жангсиз таслим бўлишни истамайди. Кўсем уч йилдан бери ҳокимиятни эгаллагани билан Турхон ўзига жуда кўп тарафдорлар ортттиради. Буларнинг ичида ҳарам оғаларининг раҳбари ва Бош вазир ҳам бор эди. Шундай бўлишига карамай Кўсем тарафида яничарлар туради.

Кўсем давлат ишларини эплаб турса ҳам аҳоли орасида яничарларнинг мамлакат сиёсатига катта таъсир килаётганига карши норозиликлар бошланади. [\[36\]](#) Бош вазир Малик Ахмад пошо ва яничарларнинг рахбарияти тарафидан хазинадаги танкисликни ёпиш учун килган барча чораларга карамай 1651 йили август ойида пойтахтда исён кўтарилади.

[\[37\]](#)

Тахминан ўша пайт, Кўсем Султон яничарлар розилиги билан Мехмед IV га захар бериб, унинг ўрнига бошқа невараси шахзода Сулаймонни тахтга келтириши хақидаги хабар Турхон султонга маълум бўлади. Шахзода Сулаймоннинг онаси Солиха Дилашуб Султон сўзга юривчан бўлиб туюлган бўлса керак. Бу режалар хақида Турхон Султон Кўсемнинг хизматкори Малаки-хотундан билади. Кейин маълум бўлишича, бу хотин икки тарафга сўз ташиб юривчи жосус бўлган экан. 1651 йил 2 сентябр куни Кўсем Султон ўз хонасида Турхон тарафдорлари тарафидан ўлдирилади. Бирок бу котиллик Мехмед IV онаси тарафидан режалаштириб ва унинг буйруғи асосида амалга оширилгани ҳозиргача тасдиғини топмаган. [\[38\]](#)

Ўша вақтда шайхул Ислом бўлган тарихчи Кора Челебизоданинг сўзларига кўра, котил Узун Сулаймон ога ва унинг одамлари бўлган. Улар Кўсемни ҳарамдаги шкафларнинг бирига яширинган ҳолда топиб парда аркони билан бўғиб ўлдиришади. Кўсемнинг жасадини аввал Эски саройга олиб боришади, бироқ уни кейин Султон Ахмад масжиди яқинида Ахмад I кабри ёнига дафн қилишади. [\[39\]](#)

Фарзандлари

Мурод IV ва Иброҳим I султонлар ва шахзода Косимлар аниқ унинг ўғиллари бўлган. Оиша ва Фотима исмлиқ кизлари ҳам бўлган. Шахзода Мехмед, Сулаймон, Хонзода, Атика ва Гавхархонлар хақида турли тахминлар бор. Кўсем ўз кизларини катта таъсирга эга давлат арбобларига турмушга берган ва ўзи уларни кўллаб турган. Улар ҳам доим оналарининг тарафдори бўлган. [\[40\]](#)

Жуда кўп тарихчилар, "хино кўйиб олган" кўллари билан катта мамлакатни бошқармокчи

бўлган, деб айтишади. Баъзилар хатто, у хукмрон килган вақтларни "Аёллар салтанати" даври, деб ҳам кўйишади. Нима бўлганида ҳам, бир вақтлар дунёнинг энг йирик салтанати бўлган қудратли давлат айнан аёллар бошқаруви давридан бошлаб инкирозга юз тута бошлайди. Бунда ақл эгалари учун жуда кўп хикматлар бор.

Абу Муслим

АДАБИЁТЛАР

Збаражский К. Донесение о посольстве князя К. Збаражского в Турцию // Османская империя в первой четверти XVII века / Хаджи М. Ибрагимбейли, пер. Н. С. Рашбы. — М.: Наука, 1984.

Сулишовский С. Письмо посла Сулишовского из Константинополя подчашему коронному игетману польному Станиславу Любомирскому Османская империя в первой четверти XVII века / Хаджи М. Ибрагимбейли, пер. Н. С. Рашбы. — М.: Наука, 1984.

Финкель К. История Османской империи: Видение Османа. — М.: АСТ; Астрель, 2012.

Encyclopaedia of Islam / Bosworth C.E. — Brill Archive, 1986. — Vol. V (Khe-Mahi).

Ådahl K. The Sultan's Procession: The Swedish Embassy to Sultan Mehmed IV in 1657-1658 and the Rålamb Paintings. — Oxford: Swedish Research Institute in Istanbul, 2006.

Alderson Anthony Dolphin. The Structure of the Ottoman Dynasty. — Oxford: Clarendon Press, 1956.

Augustinos O. Eastern Concubines, Western Mistresses: Prévost's Histoire d'une Grecque

moderne : Women in the Ottoman Balkans: gender, culture and history / Buturović A., Schick I.C. — I.B.Tauris.

Börekçi G. Mustafa I // Encyclopedia of the Ottoman Empire / Agoston G., Masters B.A.. — New York: en:Infobase Publishing, 2009. .

Carsten, F. L. The New Cambridge Modern History. — CUP Archive, 1961. — T. V. The Ascendancy of France, 1648-88.

Colin Imber. The Ottoman Empire, 1300-1650: The Structure of Power. — New York: en:Palgrave Macmillan, 2009.

Davis F. The Palace of Topkapi in Istanbul. — Scribner.

Emecen F. İbrahim : Islamansiklopedisi. — 2000.

Fischer. Melchior Lorck: Biography and Primary Sources. — Copenhagen: The Royal Library Vandkunsten Publishers, 2009.

Happel E.W., Lange J. Thesaurus exoticorum. — Hamburg: Gedruckt und Verlegt durch Thomas von Wiering, Buchdrucker und Formschneider bey der Börse, 1688.

İlgürel M. Kösem Sultan : Islamansiklopedisi. — 2002.

Lotichius J. P. Theatri Europaei Fünffter Theil/ Das ist: Außführliche Beschreibung Aller Denckwürdigen Geschichten/ Die sich in Europa, Als Hoch- und Nieder-Teutschland/ Franckreich/ Hispanien/ Jtalien/ Groß-Britannien/ Dennemarck/ Schweden/ Polen/ Moscau/ Böhmen/ Hungarn/ Siebenbürgen/ Wallachey/ Moldaw: Jn der Türckey und Barbarey ... vom

Jahr 1643. biß ins 1647. Jahr/ allerseits begeben und verlaufen / [Johann Peter Lotichius]. — Franckfurt am Mayn: Andreä, 1707.

Mignot V., Hawkins A. The History of the Turkish, Or Ottoman Empire,: From Its Foundation in 1300, to the Peace of Belgrade in 1740. To which is Prefixed An Historical Discourse on Mahomet and His Sucessors. — Scatcherd and Whitaker, 1787.

Peirce Leslie P. The Imperial Harem: Women and Sovereignty in the Ottoman Empire. — Oxford: Oxford University Press, 1993.

Poisson de Gomez M.A. Anecdotes, ou Histoire secrette de la maison ottomane. — Amsterdam, 1722.

Rycaut P.[en]. Histoire de l'état présent de l'Empire Ottoman: contenant les maximes politiques des Turcs — Abraham Wolfgank, 1670.

Rycaut P.[en]. The History of the Present State of the Ottoman Empire: Containing The Maxims of the Turkish Polity, the Most Material Points of the Mahometan Religion, Their Sects and Heresies, Their Convents and Religious Votaries. Their Military Discipline, with an Exact Computation of Their Forces Both by Sea and Land ... In Three Books. — R. Clavell, J. Robinson and A. Churchill, 1686.

Somel S. A. Historical Dictionary of the Ottoman Empire. — Scarecrow Press, 2003.

Sonyel S. R. Minorities and the destruction of the Ottoman Empire. — Turkish Historical Society Printing House, 1993.

Süreyya, Mehmed Bey. Sicill-i Osmani / haz. Nuri Akbayar. — İstanbul: Tarih Vakfı Yurt Yayınları, 1996.

Tezcan B. The Debut of Kösem Sultan's Political Career : Turcica. — 2008.

Sakaoğlu N. Bu mülkün kadın sultanları. — İstanbul: Oğlak Yayıncılık, 2008.

Thys-Şenocak L. Ottoman Women Builders: The Architectural Patronage of Hadice Turhan Sultan. — Aldershot: Ashgate, 2006.

Viaggi di Pietro della Valle, il pellegrino : descritti da lui medesimo in lettere familiari all'erudito suo amico Mario Schipano, divisi in tre parti cioè : La Truchia, La Persia, e l'India, colla vita dell'autore. — Brighton: G. Gancia, 1843.

Ерёмин В.Н. 100 великих интриг. — М.: Вече, 2013.

Фрили Д. Тайны Османского двора. Частная жизнь султанов. — М.: Литрес, 2017.

Afyoncu Y. Muhtesem Valide - Kösem Sultan. — İstanbul: Yeditepe Yayınevi, 2015.

Altınay A.R. Kösem Sultan: Kadınlar Saltanatı. — İstanbul: Yeditepe, 2015.

Koçu R. E. Kösem Sultan. — İstanbul: Doğan Kitap, 2015.

Taylan N. Valide Mâhpeyker Kösem Sultan ve Dönemi. — İstanbul: Ekim Yayinlari, 2015.

Subaşı E. Kösem Valide Sultan. — İstanbul: ÇELİK YAYINEVİ, 2017.

[1] Peirce, 1993

[2] İlgürel, 2002

[3] Tezcan, 2008

[4] Somel, 2003

[5] İlgürel, 2002; Tezcan, 2008; Britannica.

[6] Somel, 2003

[7] Viaggi, vol.1, 1843, pp. 53—54.

[8] İlgürel, 2002; Tezcan, 2008; Somel, 2003, p. 158; Britannica.

[9] Sonyel, 1993, p. 62; Gibb, 1954, p. 597; Davis, 1970.

[10] Sonyel, 1993, p. 62; Augustinos, 2007, p. 23.

[11] Augustinos, 2007, p. 23; Davis, 1970, pp. 227—228.

[12] Augustinos, 2007, p. 23; Davis, 1970, pp. 227—228.

[13] Viaggi, vol.1, 1843, pp. 53—54; Bosworth, 1986, p. 272.

[14] Peirce, 1993, p. 105

[15] Viaggi, vol.1, 1843, p. 54

[16] Bosworth, 1986, p. 272.

[17] Peirce, 1993, p. 233.

[18] Peirce, 1993, p. 111.

[19] Peirce, 1993, pp. 106, 232.

[20] Peirce, 1993, p. 105.

[21] Viaggi, vol.1, 1843, p. 54.

[22] Imber, 2009, pp. 98—99; Финкель, 2012, с. 276—277.

[23] Сулишовский, 1984.

[24] Börekçi, 2009, p. 409.

[25] İlgürel, 2002.

[26] Börekçi, 2009, p. 409.

[27] İlgürel, 2002.

[28] Peirce, 1993, p. 249.

[29] Bosworth, 1986, p. 272.

[30] Bosworth, 1986, p. 272.

[31] Peirce, 1993, p. 246.

[32] Bosworth, 1986, p. 272.

[33] Финкель, 2012, с. 322.

[34] Thys-Şenocak, 2006, p. 26.

[35] Финкель, 2012, с. 325; Peirce, 1993, p. 250.

[36] Peirce, 1993, p. 252.

[37] İlgürel, 2002.

[38] Финкель, 2012, с. 333; Carsten, 1961, p. 505.

[39] İlgürel, 2002.

[40] Peirce, 1993, p. 105.